опера

*Ҳалима НОСИРОВА:*

# ЮЛДУЗЛАР КЕРАКМИ? ҲА!

**Ўзбек опера санъатида узоқ йиллардан буён ҳал этилмай келаётган қатор муаммолар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун республикамиз матбуотида баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари бўлиб ўтяпти. Бу қизғин баҳсларда айтилаётган фикр-мулоҳазалар миллий операмиз ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.**

**Қуйида эълон қилинаётган машҳур опера қўшиқчиси, СССР халқ артисти Ҳалима НОСИРОВА билан санъатшунос Аҳмаджон РАҲИМОВнинг суҳбатлари ҳам опера санъатимизнинг ҳозирги аҳволи ва унинг муаммолари ҳақида боради.**

**А. РАҲИМОВ** — Ҳалима опа, ўзбек опера санъати уфқларини кенгайтириш ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало мазкур жанрнинг республикамизда оёққа туриб олиш даврига назар ташлаб ўтишимиз зарур бўлади. Чунки бугунги кунимиз кечадан бошланади. Қолаверса, санъатда новаторлик ҳар доим анъана ва замонавийликнинг уйғунлашуви асосида намоён бўлади.

**Ҳ. НОСИРОВА** — Ростдан ҳам, ўзбек операси, айтиш мумкинки, шонли тарихга эга. Қирқинчи, эллигинчи, олтмишинчи йилларда қўлга киритилган ютуқлар устидан чизиқ тортиб юборишга асло ҳаққимиз йўқ. Чунки биз ўша йилларда нина билан қудуқ қазиган эдик...

**А. Р.** — Ҳозир баъзилар ўзбек операси илгари ҳам эътибор топмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди, деб айтаётгани кишини ажаблантиради. Улар масалага тарихий нуқтаи назардан ҳам, ижодий жиҳатдан ҳам ёндошишни ўзларига эп кўрмаяптилар...

**Ҳ. Н.** — Бу борада, аввало, бизнинг ўзимиз айбдормиз. Яъни, узоқ йиллар операга деярли эътибор бермадик, гўё ниманидир кутдик. Айниқса, ўтган ўн йил мобайнида композиторларимизни ва драматургларимизни активлаштиришнинг имкони бўлмади. Бунинг устига Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри ҳам миллий операни яхшилаш борасида бирор яхшироқ тадбирни амалга оширмади. Қисқаси, театрларимиз режиссёрлари ва дирижёрлари ўзбек операсини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

**А. Р.** — Режиссёр ва дирижёрларимиз, театрга раҳбарлик қилаётган бўлсалар-да, аммо ўзбек операсининг келажаги учун чин дилдан куюнмасалар, бутун талантлари, куч-ғайратларини камчиликларни бартараф этишга, асосий муаммоларни ҳал қилишга сарфламасалар уларни том маънодаги ижодкор, деб бўлмайди. Операмизнинг бугуни, бизни қаноатлантирмаётган аҳволи анъаналарга садоқат билан биргаликда катта куч-ғайрат, жасорат ва янги-янги ижодий изланишларни талаб этади. Шуни асло унутмаслик керакки, ўзбек операсининг келажагини, асосан, анъаналар асосида кўра билишимиз, изланишни ҳам шу йўлдан олиб боришимиз лозим.

**Ҳ. Н.** — Тўғри айтасиз, муҳими, анъаналарга садоқат...

**А. Р.** — Шу тарзда, ишга биргаликда, яна такрор айтаманки, ҳамжиҳат бўлиб киришмас эканмиз, операмиз келажаги ҳақида ўйлаш ҳам беҳуда. Мана, илк ўзбек операси «Бўрон»ни олиб қарайлик. У К. Яшин, М. Ашрафий, С. Василенко, М. Муҳамедов, М. Турғунбоева каби ажойиб санъаткорларнинг ижодий ҳамкорлиги, куч-ғайратлари туфайли яратилган эди.

**Ҳ. Н.** — Нафақат бу санъаткорлар... Уни яратишда Муҳиддин Қориёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Назира Аҳмедова, Юнгвальд-Хилькевич, Карим Зокиров каби санъаткорларнинг ҳам катта ҳиссаси бўлди. «Бўрон» саҳнага чиққунига қадар, узоқ вақт изланишга тўғри келди, аввало Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шогирди, сафдоши Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлик қилган Ўзбек этнографик ансамбли заминида 1929 йилнинг охирларига келиб профессионал музикали театр ташкил топди. Ўша пайтдаги бизнинг ҳамфикрлигимиз, ҳамкорлигимиз Музаффар Муҳамедов саҳналаштирган Комил Яшиннинг «Ўртоқлар» асарида ҳам ўз қудратини намоён этди. Шу йиллардаги бирдан-бир орзуимиз халқнинг руҳий эҳтиёжини қондирадиган мукаммал профессионал музикали театр яратиш эди. Бугунги ёш авлод, ўзбек операси бизнинг пешона теримиз, юрак қонимиз эвазига яратилганини ва ривожланганини яхши билишлари керак.

**А. Р.** — Буни ижодкор ёшларимиз нафақат яхши билишлари, балки доим ёдларида тутиши, ўрганишлари зарур. Шундагина эстафета байроғини қай даражада жадал олиб бориш кераклиги яққол кўзга ташланади.

**Ҳ. Н.** — Ҳа, ҳамма гап қай даражада илгарилашда. Лекин шу кунларда мени бир жойда туриб депсиниш ғоят ташвишлантираяпти. Жудаям хавфли ҳолат! Бу ҳолда ҳамма нарсани, ҳатто ўтмишдаги тажрибаларимизни ҳам бой беришимиз ҳеч гап эмас.

**А. Р.** — Хавотирингизда жон бор. Бу эса Навоий номидаги театрнинг ёшлари биринчи галдаги вазифалари нималардан иборат эканлигини ҳовлиқмасдан, ваҳимага тушмасдан аниқ-равшан белгилаб олишлари кераклигини тақозо этади. Тўғрисини айтганда, кўплаб масалалар, муаммолар йиғилиб қолди, санъатимиздаги турғунлик даври операмиз куртакларини шикастлади. Шу йилларда яратилган Р. Ҳамроевнинг «Номаълум киши», М. Юсуповнинг «Хоразм қўшиғи», Б. Бровциннинг «Даҳшатли кунлар», С. Бобоевнинг «Фидойилар» асарлари ва бошқа қатор опералар санъатимизнинг бу турига қандай янгилик олиб кирди?

**Ҳ. Н.** — Ҳақ гапни айтдингиз. Лекин бир қадар эътиборни тортган, композиторларимиз ижодида янгилик ҳисобланган баъзи асарлар ҳам яратилди. Уларнинг саҳна варианти ҳам ижодий ютуқ сифатида қайд қилинди, режиссёр талқини, актёрлик маҳорати ва қўшиқлар ижроси ўзбек опера-саҳнаси, мактабига қандайдир даражада туртки бергандек бўлди. Бундай операларга И. Акбаровнинг «Суғд элининг қоплони», У. Мусаевнинг «Мангулик», Н. Зокировнинг «Дуэль» асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Афсуски, улар тилга тушганига ҳам ўн йилдан ошиб кетаяпти.

**А. Р.** — Фақатгина 1986 йилда ёзиб тугалланган Сайфи Жалилнинг «Зебуннисо» операси (либретто муаллифи Уйғун) нисбатан яхши натижалар берди. Композитор «Улуғбек», «Лайли ва Мажнун», «Дилором», «Тоҳир ва Зуҳра» каби ўзбек опералари бадиий принципларига асосланган ҳолда опера санъати ижодий сарҳадини бирмунча кенгайтиришга муваффақ бўлди. Аввало композиторнинг воқеликни замонавий ижодкор сифатида тафаккур этиши қувонарлидир. Бу ҳол анъана билан замонавийликни уйғунлаштириш, яъни ҳам Шашмақом, ҳам Европа симфония мактаби ютуқларидан бирдай фойдаланиш имконини беради.

**Ҳ. Н.** — Бундай новаторликни қадрлаш керак. Лекин бошқа композиторлар қаёқда қолаяпти? Ахир опера ёза оладиган композиторларимиз анча-мунча-ку.

**А. Р.** — Ҳа, композиторларимиз хотиржамликка ўрганиб қолишганга ўхшайдилар. Уларнинг замонавий опера театрини ривожлантириш, янгича йўллар, усуллар қидириш каби ташвишлар билан бош қотиргилари келмайди. Яқинда республикамиз Композиторлар союзининг 50 йиллигини нишонладик. Бу муддат катта-катта ижодий мўъжизалар яратиш учун имкон бериши шубҳасиз. Демак, композиторларимиз ўз ижодий режалари ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрсалар бўларди.

Энг сўнгги опералардан бири «Хева ордени» ёш, талантли композитор Рустам Абдуллаев қаламига мансуб. Либретто муаллифи Эркин Самандаров. Опера муваффақият қозонди, саҳнамизда катта янгилик ҳисобланди десак, унчалик тўғри бўлмас. Бунинг сабаби нимада? Аввало композиторларимиз музикали саҳна қонуниятларини чуқур ўрганмайдилар, опера жанри принциплари ва талабларига яхши эътибор бермайдилар.

**Ҳ. Н.** — «Хева ордени» музикали театр саҳнасига тўғри келмайди, демоқчисиз, шекилли?

**А. Р.** — Ҳа-да! Биз қачонлардир композиторга фикримизни айтган эдик. Ахир, бу мавзу драма театри саҳнаси учун мос эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди!

**Ҳ. Н.** — Фикрингизга қўшилса бўлади. Аммо тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, операнинг четлаб ўтиб бўлмайдиган саҳнавий талқин шартлари мавжуд. Кўтаринки руҳ, романтика — шу шартларнинг биринчисидир. Опера сюжети энг майда икир-чикирларигача шоирона руҳ билан суғорилиши лозим. Масалан, Улуғбек Мусаевнинг «Мангулик» операси ҳам «Хева ордени» сингари инқилобий мавзуда, лекин у мен айтаётган талабларга тўлиқ жавоб беради.

**А. Р.** — Содиқов ва Зейдманнинг «Зайнаб ва Омон» операси (Зулфия либреттоси)ни олайлик, композиторлар ва либертто муаллифи мангу мавзу — севгини замондошларимиз ҳаётига шунчалик муносиб тарзда тасвирладиларки, бу асар қаҳрамонларини Тоҳир ва Зуҳрадан ҳам, Ромео ва Жульеттадан ҳам ажратиш мушкул. Операнинг музикали драматургиясида ҳам, бадиий драматургияда ҳам ҳеч қанақа ортиқча ўринлар йўқ. Барча куч-қудрат ва ягона мақсад — асосий фикрни ишонарли ифода этишга йўналтирилган. Бу ишда опера либреттоси муаллифининг хизмати катта, албатта.

**Ҳ. Н.** — Қарс икки қўлдан чиқади. Бизда эса кўпинча либреттога паст назар билан қарашади. Аслида драматург асосий ғоя билан биргаликда асарнинг ичидаги барча икир-чикирлару ҳаракатларни композиторга аниқлаб бериши, лўнда қилиб айтганда, саҳна романи яратиши лозим. Мана шу асосда композитор тўлақонли музикали асар яратиши мумкин.

**А. Р.** — Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги профессионал драматурглар опера асари ёзишни жуда хуш кўрадилар, деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, аввало, улар композиторларнинг қош-қовоғига қараб ўтиришнинг нима зарурати бор, деб ўйлашади. Қолаверса, опера учун ёзилган сценарий муаллифдан маълум даражада музикали — саҳна драматургияси соҳасида билимни талаб этади. Шу боис республика Ёзувчилар союзининг драматургия, Композиторлар союзининг театр-саҳна музикаси секциялари ташаббуси билан опера-балет драматургияси лабораторияси ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ҳ. Н.** — Бу яхши ташаббус бўлар эди. Мазкур муаммо бугун ўтган йиллардагига қараганда ҳам кескинроқ бўлиб турибди. Бироқ ўша йилларда Уйғун, Яшин, Зулфия, Туроб Тўла каби адиблар опера драматургияси яратиш каби муҳим ишнинг бошида турдилар. Бугун мен барча ёш адибларимизни опералармиз драматургиясини яхшилаш ишига киришишга чақираман. Биз опера театри саҳнасида замондошларимизнинг мукаммал қиёфасини кўришимиз керак.

Эллигинчи йилларда «Зайнаб ва Омон» операсида Зайнаб ҳозиржавоб образ бўлиб гавдалангани ёдимда. Ўша давр қизлари Зайнабга тенглашишга, ундан андоза олишга ҳаракат қилишарди. Бу асар халқ мусиқасига бойлиги билан менинг хотирамда қолган. Шунинг учун ҳам у одамлар қалбига яқин эди. Халқ опера саҳнасида ўзининг севимли қўшиқларини эшитганидан кейин бизга ишонч билан қарай бошлашди ва спектаклларимизга кирадиган бўлишди, ниҳоят, уларни яхши кўриб қолишди. Кейин одамлар уйда, кўча-кўйда «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара», «Дилором», «Тоҳир ва Зуҳра» каби операларимиздаги қўшиқ-арияларни куйлаб юрадиган бўлишди. Ахир куй — халқ қалбининг садоси! Биз одамлар билан саҳна орқали мулоқот қилиш йўлини шу йўсинда топган эдик. Шундай қилиб опера кишиларимиз учун қадрдон бўлиб қолди. «Зайнаб ва Омон»дан кейин ўзбек томошабинлари қалбини бутунлай бошқа, янги опера билан, «Майсаранинг иши» билан забт этишга муваффақ бўлдик.

**А. Р.** — Ҳа, томошабинларнинг ишончини батамом қозонган эдингизлар. Афтидан, бу операнинг туғилиши ва саҳнага олиб чиқилишини маданиятимиз тарихининг ўзи тақозо этди. Мазкур асар ўзбек операси равнақини анча илгари суриб юборди. Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Саодат Қобулова, Михаил Давидов, Жамол Низомхўжаев каби санъаткорларнинг куч-ғайратлари туфайли бу опера жуда машҳур бўлиб кетди. Унга кириш ҳам қийин эди, билетлар илгаридан сотилиб қўйилгани ҳамон ёдимизда...

**Ҳ. Н.** — Қизиқ, ҳозир эса худди шу спектаклга томошабинларни зўрлаб олиб келишнинг ҳам иложи йўқ. Ақл бовар қилмайдиган қиёс...

**А. Р.** — Менингча, бунинг сабаби шундаки, ҳозирги спектакль Ферудин Сафаров талқинида анчагина миллий колорити, бўёқлари ,ўзига хослигини йўқотиб қўйди. Энг муҳим камчилик мана шу! Театр раҳбарлари уни қайта қўйишаётганларида ўзбек саҳнасининг кекса усталаридан бирортасини чақириб, ундан маслаҳатчи сифатида фойдаланганида эди, бундай ҳол содир бўлмасди.

**Ҳ. Н.** — Кекса санъат усталарининг тажрибасидан фойдаланиш керак, албатта. Бироқ миллий колорит ва миллий бўёқлар ҳақида гапирганда, айтишим лозимки, санъат асари миллий заминга эга бўлгандагина мукаммал ва халқчил жаранглайди. Ахир, биз буюк Италия ижодкори асарини рус ижодкори асари билан қориштириб юбормаймиз-ку! Шундай экан, нега ўзбек операси маданиятимизнинг олтин фондига кирган опера миллий руҳдан маҳрум бўлиши керак экан? Кўпмиллатли совет санъати худди шу фазилати — йўналиши ва услуби хилма-хил бўлган миллий хусусиятлари билан қимматли эмасми?!

Аммо операмиздаги саҳна тили кишини беихтиёр ташвишга солади. Яқинда «Майсаранинг иши» операсини бир томоша қилгим келди. Очиғини айтсам, биринчи парда тугагандан кейин чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Кўркмас Муҳиддинов, Лола Неъматова, Шоҳида Тўхтабоева каби артистларимиз учун ўз она тилидаги сўзларни бузиб талаффуз этиш, пойинтар-сойинтар гапириш асло кечириб бўлмайдиган ҳол! Бу ижодкорлар ҳозир зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган ўрта авлод вакиллари. Бироқ биз операмизнинг эртаси ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак...

**А. Р.** — Бу муаммони ҳал этиш, аввало Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ҳамда Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институтидаги ўқитувчиларга боғлиқ.

**Ҳ. Н.** —Бу турган гап! Лекин анчагина камчиликлар кўзга ташланиб турган айни пайтда бу қадар мураккаб ва кўламли муаммони уларнинг ўзи ҳал эта олармикин?

**А. Р.** — Консерваторияда Саодат Қобулова, Насим Ҳошимов, Муҳаббат Ризаева, Театр ва рассомлик санъати институтида Асад Азимов, Сасон Бенъяминов каби моҳир санъаткор-педагоглар қўлни-қўлга бериб ягона ижодий позиция яратсалар, менингча, ҳар қандай муаммони ҳам ҳал этиш мумкин бўлади.

**Ҳ. Н.** — Бу мутахассислар ишончли, албатта. Аммо муаммони ҳал этишнинг кўпинча, уларга боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор. Масалан, кўпгина овоз соҳиблари опера театрларимизда сафдан чиқиб қолмоқдалар...

**А. Р.** — Бу ҳолда опера театрларимиз бадиий раҳбарлик составини тажрибали мутахассислар, ўзбек театр-саҳна маданиятининг билимдонлари, бадиий сўз ва қўшиқ усталари билан мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаб кўришимиз керак.

**Ҳ. Н.** — Агар оддий гапдан амалий ишга тез киришиладиган бўлса, бу — жуда яхши тадбир. Қолаверса, аллақачон эксперименталь камер опера театри ташкил этадиган пайт келди. Мана шу тадбир ўзбек операси олдида турган кўплаб муаммоларни ҳал этишга ёрдам берган бўлар эди. Унда опера театри саҳнасида унутила бошлаган классик қўшиқларни ўргатиш, ўша анъанавий усулни замонавий опера театри билан яқинлаштириш борасида иш бошлаш мумкин бўлади.

**А. Р.** — Мана шу тадбир ҳам опера театрига томошабинларни жалб этишга ёрдам бериши мумкин. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, ўзбек операси бир пайтлар музикали драма асосида пайдо бўлган. Демак, замонавий ўзбек операси билан бу алоқани узиб қўймаслик керак.

**Ҳ. Н.** — Эксперименталь театр опера билан музикали драма ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш учун ҳам зарур. Бундан ташқари камер театри ҳам режиссура ва актёр маҳорати масалаларини ҳал этишга яхши ҳисса қўшиши мумкин. Биласизми, ҳозир опера олдида бир олам муаммолар турибди. Уларни ҳал этиш учун на ижодий союзлар ва на республика Маданият министрлиги бирор жиддийроқ тадбир амалга оширмаётгани мени ташвишга солади. Шунингдек, кўплаб ёш ижодкорларнинг беғамлигидан ғоят ачинаман.

**А. Р.** — Бироқ ижодий ёшларга ҳар доим ҳам ишонч билдираётганимиз йўқ. Уларнинг ўз кучларини синаб кўришларига, турли тажрибалар ўтказишларига, изланишларига имкон яратиш борасида ҳар доим ҳам ўйлаб кўраяпмизми?

Тўғри, Маданият министрлигидаги ўртоқлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. 1988 йил 21 ноябрь куни Композиторлар ва Театр арбоблари союзлари билан ҳамкорликда ўтган кенгайтирилган коллегия йиғилишида Алишер Навоий номидаги театр фаолияти ҳамда биринчи навбатда опера санъатимизни яхшилаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Комплекс программа қабул қилинди Ишлар бир мунча юришиб кетаётганга ўхшайди... Аммо опера ва балет санъати буйруқ ва қарорлар билан кескин яхшиланиб кетмайди. Операга доимий ғамхўрлик, ажойиб мутахассислар ва талантли ёшлар керак.

**Ҳ. Н.** — Илтимос, тўғрисини айтинг, узоққа чўзилган ўша мажлисдан Навоий номидаги театр раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб олишганига ишонасизми?

**А. Р.** — Фойдали хулоса чиқариб олганига, афсуски, ишончим комил эмас. Театрнинг бадиий раҳбарлари ўз олдиларида турган муаммоларни бутун мураккаблиги билан тасаввур қилмаётганга ўхшайдилар. Менингча, улар жиззакиликка берилмасдан, хотиржам кайфиятда қабул қилинган муҳим ҳужжатга суянган ҳолда ўзбек опера ва балет санъатини оммалаштиришдаги ўзларининг ижодий ва гражданлик позицияларини аниқ белгилаб олишлари зарур. Лекин, такрор айтаман, операмизнинг савиясини кўтаришда биз аввало ёшларга суянамиз. Улар илгаридан ғоят муҳим вазифа турганини яхши биладилар. Бу эса қувонарли ҳолдир.

**Ҳ. Н.**—«Яхши ният—ярим давлат», дейдилар. Лекин қани ўша ёшлар? Масалан, мен ёш режиссёрлар етишиб чиқаётганига ҳечам ишонгим келмайди.

**А. Р.** — Ҳа, ёш режиссёрларимиз йўқ ҳисоби. Бу муаммо фақат бизнинг республикамизга эмас, барча марказий шаҳарлардаги театрларга ҳам хосдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда Маданият министрлиги Москва ва Ленинградда таълим олиш учун истеъдодли ёшларни танлаб олишга киришди.

**Ҳ. Н.** — Энди уларни кутиб ўтириш керак экан-да... Ҳар қалай кутиб туравермай операларни саҳналаштириш учун режиссёрлар таклиф этиш йўлидан бориш керак. Масалан, мен Ўзбекистон ССР халқ артисти, яхши опера режиссёри Мансур Саъдуллаевдан фойдаланишни таклиф қилар эдим. Ё бўлмаса опера театрида Латиф Файзиев ва Баҳодир Йўлдошев каби таниқли режиссёрларнинг ижодий имкониятларидан фойдаланиш борасида бош қотириб кўрилса бўлмайдими? Драма театрларининг режиссёрлари ҳар доим музикали спектаклларни бемалол саҳнага олиб чиққанлар.

Шу кунларда мени бир нарса ташвишга солмоқда. Яқин орада Алишер Навоий номидаги театрнинг 60 йиллигини нишонлаймиз. Афсуски, юбилейга, байрамга тайёргарлик сезилмаяпти. Ахир, шу муносабат билан «Дилором», «Лайли ва Мажнун», «Улуғбек» каби операларнинг ҳеч бўлмаганда бирортасини қайси саҳнага олиб чиқиш керак бўлар... «Бўрон» операси аллақачон янгича талқин этилиши зарур эди. Бу спектаклларсиз театр юбилейини қандай тасаввур этиш мумкин?

**А. Р.** Ҳа, илк операларни янгича нуқтаи назар билан яна саҳнага олиб чиқиш театрнинг муқаддас бурчи. Лекин мен шундай хушхабарни айтишга муяссар бўлмоқдаманки, театр Мутаваккил Бурҳоновнинг янги операси — «Алишер Навоий»ни саҳналаштиришга киришди. Бу спектакль театр юбилейига ва буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланади.

**Ҳ. Н.** —Ниҳоят катта орзуимиз амалга ошадиган бўлибди. Бу операни биз ёшлик йилларимиздаёқ—бундан 40 йил бурун орзу қилар эдик. Композиторларимиз ўша йилларда иш бошлаган эди. Зора, янги йилда орзуимиз амалга ошса...

**А. Р.** — Суҳбатимиз сўнгида опера билан алоқадор бўлган ижодкор ёшларимизга қандай тилаклар билдирар эдингиз?

**Ҳ. Н.** — Мана, янги йил бошланди. Янги йилдан доим яхшиликлар, омонликлар кутамиз. Бироқ бу йилда композиторларимиз, қўшиқчиларимиз, режиссёр, дирижёр ва балетмейстерларимиз ўз ишларини тубдан қайта қуришларини, опера санъатимиз савиясини юқорига кўтариш борасида дадил қадам ташлашларини истар эдик Янги йил — дилрабо куй-қўшиқлар йили, хурсандчиликлар йили, улкан ижодий ютуқлар йили бўлиб қолсин!

**А. Р.** — Ҳалима опа! Сизни ҳам газетанинг барча ўқувчилари ва мухлисларингиз, санъаткорлар номидан янги йил билан муборакбод этаман. Сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

„Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетхонлари мен сизни янги йилингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, сиҳат саламатлик, бахту омад тилайман. Она еримиз гуллабяшнайверсин.
Ҳурмат билан
Носирова
28 декабрь 1988 йил.



ЯНГИ РУБРИКА:
## МАНГУ ОБИДА

# АВАЙЛАЙЛИК

**О**ТА-БОБОЛАР ақл-заковати билан яратилган ҳар бир обида азиз ва мангуликка дахлдор. Замонлар оша бизга етиб келган ноёб меросни беқадр қилиш ва йўқолишгача олиб бориш — аждодлар хотирасини таҳқирлаш, келажак авлодга хиёнат демакдир.

Тарихий ёдгорликлар давлат муҳофазасида, масъул ходимлар жавобгарлигида бўлиб уларни сақлаш ва таъмирлашга анчагина маблағ ажратилмоқда. Аммо харажатлар обидалар умрини узайтиришда кутилган самарани бераётгани йўқ. Уларни аслидагидек ҳолига келтиришда, бешикаст асрашда меҳр ва эътибор, жонкуярлик ва изчиллик етишмаётир. Масалан, Бухорода тарихий ёдгорликларнинг аянчли аҳволи тўғрисида газетанинг ўтган йил 2 сентябрь сонида эълон қилинган таниқли адибимиз Неъмат Аминов ва Садриддин Салимовнинг «Бухорони қутқаринг!» мақоласида мазкур соҳадаги камчиликларнинг илдизлари рўй-рост очиб ташланган эди. Газета ниҳоятда долзарб бу мавзуни кўтариб тўғри қилганди.

Хўш, бизни нималар безовта қилмоқда?

Авваламбор, шуни айтиш керакки, тарихий-архитектура ёдгорликларини билиб-билмай замонавийлаштириш кўпчиликни ташвишга соляпти. Бу калтабинликлар қандай хунук оқибатларга олиб келиши қанчалик танқид қилинмасин, ҳанузгача танқидларга жавобан бирон жўяли иш қилингани йўқ. Масалан, Хева Ичанқалъа қўриқхонасидаги ёдгорликларнинг аксариятидан хўжалик мақсадларида фойдаланилмоқда. Улар бугунги эҳтиёжларга қараб, ҳар хил хизматларга мослаштирилган, баъзиларининг қадимги лойиҳаларига «тузатиш»лар киритилган.

Жумладан, Аминхон мадрасаси меҳмонхонага айлантирилган. Электр, водопровод, газ, канализация тармоқларини ўтказиш бинонинг асл қиёфасини бузди. Бу ҳол давом этаверса, мадрасанинг яқин йилларда «умри» тугаши турган гап. Ёки Оллоқулихон карвонсаройини олайлик. Бу бино саёҳат жойи эмас, балки савдо-сотиқ гавжум универмагга айлантирилди. Харидорлар ғалағовури, навбатда турганлар қий-чуви олдида сайёҳга йўл бўлсин? Бундай шароитда тарихий обидага ҳурмат йўқолиб, савдо асосий ўринни эгаллайди. Ахир, ёдгорликларни кўриш, ўлкамиз, Ватанимиз тарихи билан танишиш, уни ўрганиш учун келган сайёҳларни савдога чорлаш оқилона иш эмас-да!

Бундай ноўрин хатти-ҳаракатлар кишининг ғашига тегади. Бир вақтлар Паҳлавон Маҳмуд мақбараси айвонида атеизм уйи ташкил этилганлиги эсимизда. Тасаввуф таълимотининг намояндаси, сўфизм вакилларидан бири, мутафаккир шоирга атеист тамғасини ёпиштириш кишининг ақлига сиғмайди.

Хеваликларга шундай савол билан мурожаат қилмоқчимиз: наҳотки кунингиз Анушахон ҳаммомида ювинишга қолган бўлса? Ёки бу ерда ювинишнинг бирор хосияти борми? Бир нуфузли ходим шаҳарда ҳаммом камлигига ишора қилган эди. Ажабо! Қачонгача камкўстимизни ёдгорликлар ҳисобига тўлдирамиз?.. Ўйлаб кўрайлик-чи, давлат муҳофазасидаги талайгина тарихий биноларга маъмурий-хўжалик идоралари жойлашганлигини нормал ҳол деб бўладими? Наҳотки, кунимиз аждодлар яратган обидаларга қараб қолган бўлса?.. Сайёҳлардан бири истеҳзо билан: «Хайрият, зиндонга бирор идора кўчиб кирмабди», деганида ҳақ эди.

Ҳақиқатни англаб етиш вақти келди: агар бизда дўконлар, меҳмонхоналар, ҳаммомлар ва ҳоказолар етишмаётган бўлса, уларни қуриш ўзимизнинг вазифамиз. Тарихий ёдгорликларга дахл қилишга ҳаққимиз йўқ!

X асрда Хоразмга келган араб сайёҳи ал-Мақдисий Хеванинг Жумамачитини биринчи марта тилга олади. 1788 йилда мачит қайта қурилган. Ундаги 213 устуннинг ҳар биттаси ёғоч ўймакорлиги санъатининг нодир намунаси. Ақли ғовлаб кетган баъзи кимсалар бу мачитни ҳам ўз ҳолига қўйишмаган. Мачитда сопол буюмлар кўргазмаси очилгани ҳолва. Лекин ашула ва рақс ансамблининг «таралла-бедоди» қулоқларни батангга келтираётганига нима дейсиз?

Хуллас, ярашиқсиз ишлар кўп. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг ёнгинасида тўртта қабр пайдо бўлган. Қабр тошларга Мунис Хоразмий, Огаҳий, Аваз Ўтар ва Қурбон отанинг номлари битилган. Айтишларича, сайёҳларга зиёрат қилиш қулай бўлсин учун бу қабрлар шу ерга кўчирилганмиш. Ахир мазкур шоирларнинг ҳар бири дафн этилган ҳақиқий қабрлар бор-ку? Одамларни чалғитадиган, тарихий ҳақиқатни бузадиган сохта қабрларнинг ҳеч кимга кераги йўқ!

Буни қарангки, Хева музей-қўриқхона раҳбарлари саёҳатчиларга яна бир қулайлик яратмоқчи бўлишди. Дишон қалъадаги уй-музейни Ичанқалъага кўчирмоқчи бўлиб, бу ишни эплай олмадилар. Чунки уйни ҳозирги замон техникаси билан ҳам ўрнидан қўзғатиш амри маҳол эди. Шундан сўнг шаҳар раҳбарлари буйруғи билан тарихий иморат бузиб ташланиб, ўрни шахсий уй қуриш учун берилди. Бу иморат ўзбек киносининг асосчиси Худойберган Девонов яшаган ва ижод қилган уй эди. Ичанқалъа музейида ажратилган хона Девонов уй-музейи ўрнини боса олармикан?

Маданий мерос ҳақида гап борганида, яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Китоблар азалдан муқаддас ҳисобланганлиги, халқ уларни авайлаб сақлаб келганлиги ҳаммага аён. Шу вақтгача қадимий китобларга муносабат борасида бирёқламалик ҳукм суриб келди. Дунёвий адабиётлар ардоқланиб, диний китобларга ўгай кўз билан қаралди. Диний китоблар ёндирилганлиги, уни сақлаган ва ўқиган кишилар таъқиб қилинганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу адолатсизлик эди, албатта. Ислом дини етакчи мафкура бўлган асрлар давомида яратилган асарларни материалистик таълимот тарозусида тортиш ва яроқсизга чиқариш мантиқан тўғри бўлмайди. Биз ўзимизга қадар амал қилиб келган таълимотларни, хоҳ прогрессив, хоҳ реакцион бўлсин, ўрганишимиз ва билишимиз зарур. Гап моҳиятни тўғри англаб, тўғри талқин қилишда. Бас, шундай экан, биз диний руҳдаги адабиётларни ҳам маданий ёдгорлик сифатида сақлаб қолишимиз, авлодларга етказишимиз керак. Бу манбалар халқимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Шундай ҳолатларга дуч келамиз. Руҳонийлар қатнашган давраларда «Қиссас-ул-анбиё», «Тазкират ул-авлиё», «Сўфи Оллоёр» каби китоблар ўқилганида одамлар берилиб тинглашади. Чаласавод лекторнинг атеистик мавзудаги узундан-узоқ, сийқаси чиққан маърузаларида тингловчилар мудраб ўтиришади. Агар лектор шу китобларнинг мағзини чақиб, чуқур таҳлил қила билса, бундай фожиали аҳволга тушмас эди.

Дин таълимотини билмаслик, саводсизлик, араб алифбеси ва тилини ўрганишдан чўчиш — таъқиб ва репрессиялар даврининг иллатидир. Бу иллат одамлар онгида шу қадар чуқур илдиз отганки, хавотир ва ҳадиклар уларни ҳалигача тарк этгани йўқ. Натижада кўпгина қадимий китоблар бир вақтлар яшириб қўйилган жойларда, қаро ер бағрида, харобаларда хор бўлиб ётибди.

Гурланлик Исҳоқ ота Бобожонов бир қоп китобни қишлоқ қабристонига кўмган жойини бизга кўрсатди. Урганчлик Исохўжа деган мўйсафиддан «Шажараи турк»ни сўраганимизда, у киши: «Бу китоб менда йўқ, лекин ислом динига оид китоблар истаганча топилади», деганди. Орзу тахаллуси билан ижод қилган мулла Янгибой исмли киши бисотида ҳам қадимги китоблар анчагина йиғилиб қолганди. Хоразмлик Ота Махсум, Исҳоқжон эшон, Матёқубхўжа, Исмоил эшон каби руҳонийлар, шунингдек, партия ветерани Болта Давлатов, шоир Маҳбубий( Айёмий ва кекса зиёлилар тўплаган китоблар бир жойга йиғилса, катта кутубхона фонди ҳосил бўлади.

Шу муносабат билан битта таклифни ўртага ташламоқчимиз. Ташаббускор жамоатчилар бирлашиб, аҳолидаги эски китобларни ҳозирданоқ йиғишга киришсалар, бу ҳаракат оммавий тус олиб, ҳамма ерда қўллаб-қувватланишига, одамлар китобларни ихтиёрий равишда топширишига ишонамиз. Керак вақтида бу мақсад учун музей маблағидан, меҳнат коллективларига маданий эҳтиёжлар учун ажратилган фонддан фойдаланиш мумкин. Тўпланган китобларни авайлаб сақлаб, Хевадаги Ичанқалъа қўриқхонаси музейида махсус кутубхона очиш мақсадга мувофиқдир.

**М**АДАНИЙ МЕРОС — халқ бойлиги. Уни меҳр-муҳаббат билан эҳтиёт қилайлик. Токи обидалар умрига даврлар ларзаси, мавсумий шамоллар, баъзи бетавфиқлар хуружи завол етказмасин.

**Фозил ЗОҲИДОВ,**
**Рашид ЗОҲИДОВ**

